



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

**BUYRUG‘I**

**20 22 yil “ 04 ” октябрь**

**№ 275**

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлигининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Адлия вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Р.Джуманов)га:

қарор ижросини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

мазкур қарор билан тасдиқланган услубиёт иловаларини Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг “E-Anticor.uz” электрон платформасига киритиб борилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 71-сонли буйруғининг 2-иловаси билан тасдиқланган “Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти” ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ташкилий-назорат бошқармаси (У.Турабов)га ушбу буйруқ вазирликнинг марказий аппарат раҳбарлари томонидан танишиб чиқилиши ҳамда барча ҳудудий ташкилотларга етказилиши таъминлансин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир**



**Б.Мусаев**